ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ ВА ШАХС МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Акбар Жоникулович Душаев
Гулистон давлат университети ўқитувчиси
bahromboy1979@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада дахлдорлик туйғусини шакллантиришда шахс маънавиятнинг роли шу билан бирга буюк мутафаккирларнниг ҳаётий тажрибаларидан дахлдорлик туйғусига оид мисоллар келтириб ўтилган. Келажагимиз бўлмиш ёшларда дахлдорлик туйғусини шакллантириш воситалари ва методлари муҳокама эилади.

Калит сўзлар: дахлдорлик, маънавият, тарбия, маърифат, фалсафа, ахлоқ, дин.

SENSE OF RELATIONSHIP AND SPIRITUAL IMAGE OF THE PERSON

Akbar Joniqulovich Dushaev
Teacher of Gulistan State University

ABSTRACT

This article gives examples of the role of personal spirituality in the formation of a sense of belonging, as well as a sense of belonging from the life experiences of great thinkers. Means and methods of forming a sense of belonging in the youth of our future will be discussed

Keywords: involvement, spirituality, upbringing, enlightenment, philosophy, ethics, religion.

КИРИШ

Маънавий фазилат башариятга тааллуқли экан, дахлдорлик инсонга хос, инсонга муносибдир. Дахлдорлик туйғуси орқали инсон ўзлигини, ўз маънавий қиёфасининг мазмун - моҳиятини ижтимоий ҳаётда намоён қилади. Жамият ва мамлакат ҳаётига нисбатан дахлдорлик туйғуси билан ёндашилар экан, ҳар бир шахс ўзидаги индивидуал ахлоқий - маънавий фазилатни ифода этади.

Инсон аъмолининг гўзал фазилатини намоён қилишга ва идрок этишга йўл очади. Инсон аъмолининг гўзал ва сара намунаси ҳақида сўз кетганда, Мавлоно Жалолиддин Румий ибратига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ. Бир куни

Жалолиддин Румий йўлда кетаётганларида икки киши бақир-чақир қилиб уришар, бири иккинчисидан ўзишга интиларди. Шу пайт улардан бирининг сўзи Румийнинг қулоқларига чалинди.

Менга гапирма! Сен барибир менга бас кела олмайсан. Сен битта сўз айтсанг, мендан мингта сўз эшитасан. Шуни билиб қўй!

Мавлоно дарров уларнинг ёнларига бордилар-да, шу гапни айтган одамнинг юзига қараб:

Ўша мингта гапингни мана, менга айт! Менга бақир! Лекин билиб қўй, сен қанча ҳақорат қилсанг-да, мендан битта ҳам сўз эшитмайсан. Бу гапдан кейин иккалови уялиб, Румийдан ҳам, бир-бирларидан ҳам узр сўрашди ва ўша ерда ярашиб ҳам олишди.

Ушбу ҳолатда, Жалолиддин Румий шахсининг ахлоқий камолоти, инсонларни яхшиликка чақириш борасидаги дахлдорлик туйғуси, воқеликнинг оқибатида самарали натижага эриша олганлиги ҳамда ўзаро зиддиятдаги одамлар орасига эзгулик, дўстлик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат, андиша, меҳр-оқибат каби маънавий-ахлоқий муносабатларни сингдира олганлигидан сабоқ олиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳар бир миллат ўзига хос хусусиятлари ва менталитетига эга экан, аждодлар миллий, маънавий мероси тараққиёт ва истиқбол учун асосий манба ҳисобланади. ...Ўз негизлари асосида ривожланиш йўлидан бормайдиган миллат истиқболда, ўзлигини йўқотади[1]. Бунда, миллатнинг ўз негизларига таяниб ривожланишини ҳисобга олиш, амал қилиш зарур.

Дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган инсонлар ўзларидаги маънавий фазилатларни бошқаларга ифода этишга қодир бўлади (Луқмони Ҳакимнинг ўз ўғлига насиҳатлари)[2]. Улар ўзларидаги бор ижобийлик ва эзгу сифатларни бошқаларга ифода этибгина қолмай, маёқ каби уларнинг қалби, руҳияти (психология) ва тафаккурини (гносеология) маърифат зиёси билан ёритади (Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандий ва бошқалар). Зеро, муқаддас манбаларда суйган нарсаларидан ўзгаларга ҳам илинмагунча комил мўмин бўла олмаслик, ҳақида эътироф этилган (дахлдорлик). “... Албатта, олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Албатта, пайғамбарлар динорни ҳам, дирҳамни ҳам мерос қолдирмаганлар. Албатта, улар илмни мерос қолдирганлар. Ким ўшани олса улуғ насибани олибди” [3].

Демак, илм ва маърифатни биз ҳам эзгулик йўлида дахлдорлик туйғуси билан улашишимиз, нафақат назарий билимлар, балки ижтимоий, иқтисодий

тараққиётга, мамлакатимизнинг келгуси истиқболи ва халқимиз фаровонлигига янада хизмат қилувчи ишлаб чиқариш, инновацион технологиялар (техномаданият) ва воситалар, ихтиролар, шунингдек, тадбиркорлик асосларини ҳам кенг татбиқ этишимиз муҳим (ҳаракат, тараққиёт, вақт). Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқ билан мулоқотларидан бирида бармоқлари билан елкаларига ишора қилиб, “Иккита иш ўрни очганни бошимга кўтараман”, - деган эдилар (праксиология). Бу билан жамият ҳаётига дахлдор инсонни қадрлашини (антропология, аксеология) изоҳлаганлар. Зеро, “Ҳар бир онгли киши ...халқни яхши турмуш шароити ва меҳнат билан таъминлашга бутунлай садоқатли бўлмоғи керак”.

Дахлдорлик туйғуси кемтик бўлган инсон маънавий жиҳатдан ҳам тубанлашиб боради. (Саид Аҳмаднинг Уфқ романидаги қочоқ Турсунбой образи). Дахлдорлик туйғуси жамиятни бир мақсад йўлида бирлаштиради (Ижтимоий ҳамкорлик) ва янада жипслаштиради (Ватанимиз тарихида шонли из қолдирган миллий озодлик ҳаракати намоёндалари ва истиқлолчилар). Унутмаслик керакки, ҳар қандай масалага ёндашувда бирлик, бирдамлик, ҳаммаслаклик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик (муроса фалсафаси) ва бошқа умуминсоний дахлдорлик кванторлари мавжуд бўлса, ривожланиш, юксалиш бўлади (диалектика, парадигма, синергетика, синкретика, метомодернизм). Фикримиз далили шуки, Исломнинг (Бешикдан то қабргача илм излаш; Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарз; Илмни Чинда бўлса-да, бориб олинглар. Илмга нисбатан ҳудди чўпондек бўлинглар, аммо илмнинг ровийси (фақат оғиздан-оғизга етказувчиси) бўлиб қолмангиз; Илм эгалланг! Илм – саҳрода дўст, ҳаёт сўқмоқларида таянч, ёлғизликда йўлдош, бахтиёр дамларда раҳбар, қайғули онларда мададкор, одамлар орасида зеб-зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир; Илм-ибодатдир; [4] “...Айтинг, биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурму (гносеологик ёндашув)?”[5] асосий эзгу, “қудратли ғоя”лари атрофида бирлашган халқ кейинги асрларда маърифат дарахтининг мевасини териб, ҳам дунёвий, ҳам диний жиҳатдан етук, қомусий билимлар соҳиби бўлган, интеелектуал салоҳиятига нафақат ўша давр, балки замонавий технологияларга эга бугунги, хатто келажак давр олимлари ҳам бош эгадиган алломаларни етиштириб берди. Аксинча, тарқоқлик, бошбошдоқлик, ҳар тарафга тортиш, мақсадни амалга оширишда ўз-ўзича айро ҳаракат, ҳудбинларча (эгоистик) муносабат инқирозга юз тутишга сабаб бўлади (Амир Темур вафотидан сўнг тахту тож учун курашиб, барпо этилган кучли салтанатни заиф аҳволга солган мафкуравий зиддият). “...бизнинг зиёлилар, маърифатпарварлар, бойлар, рухонийлар ва олимлар миллат ва ватан фаровонлигига хизмат қилишлари керак. ...Агар бизни мустамлакачилик

қонунлари билан бошқараётган эканлар, бунинг сабабчиси, аввало, ўзимизнинг ноиттифоқлигимиздир!”[6]. Яъни, содда қилиб айтганда, бирлашув - тараққиёт, тарқоқлик – таназзулдир.

НАТИЖАЛАР

Шахс ва миллат маънавияти бир - бирини тақозо этувчи (имконият ва воқелик) ҳодисадир. Ҳар бир шахс “ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина (система-структура-элемент) маънавият билан туташади”. Бошқача қилиб айтганда, шахс маънавияти воқеликда миллат маънавиятидан айро, ундан ташқарида бўлмайди. Ҳар кимнинг бармоқ излари турлича бўлгани сингари унинг табиати, ўзига хослиги ва истеъдоди (Мирзо Улуғбек, Альберт Эйнштейн) ҳам турлича. Унинг индивидуал мустақил маънавий дунёси ҳам ўзгачадир. Миллат маънавияти, мутлақ маънода ушбу миллатга мансуб барча шахслар маънавияти асосида минг йиллар давомида шаклланиб боради. Шу билан бирга, воқеан ҳар бир шахс маънавий қиёфасининг шаклланувида, дахлдорлик туйғуси ривожланишида миллат маънавиятининг таъсири етакчи мавқе эгаллайди. Кимнинг ким эканлиги, унинг қаердан, кимлардан, қайси миллатдан, шунингдек, қайси эътиқодга мансуб кишилардан (Акбаршоҳ ибн Ҳумоюн Мирзонинг маънавий қиёфасида акс этган бағрикенглик, байналминаллик, халқпарварлик [7], раҳбарий компитентлик Бобур Мирзо, Амир Темур, шунингдек, бизнинг халқимизга хос сифатларга мансуб ва дахлдор) эканлигига том маънода боғлиқ. Бу ўринда, Амир Темурнинг “Тенги йўқ Тангри... оламни ёритувчи офтоб мисоли, узоқ ва яқинни бир хил билиб, барча давлатлар ва миллатлардаги кучли ва заиф, фақир ва шариф, катта ва кичик - ҳаммасини ўз марҳаматимиз ҳимояси ва шафқатимиз соясида бир хил кўришни, ҳар бир кишини ўз мавқеига қараб бу буюк давлат маҳсулидан баҳраманд этишимизни шарт қилиб қўймиш” [8], жумлалари юксак эътирофга сазовордир. Шу юрт фарзанди ва вакилиман, деган инсон кимлигини, кимларнинг авлоди, қайси халқнинг фарзанди эканлигини сидқидилдан англаган ҳолда, шу ватан, шу тупроқ учун масъул ва дахлдорлигини, ўз навбатида унинг ҳар бир зарраси ўзига дахлдорлигини идрок этиши шарт. “Нима учун ...шу ўринда (дахлдорлик) суст, ташаббуссиз ва заиф?”

Миллат ўз маънавий бойлигини қанча унутса (Мустабид тузум даврида бой илмий-фалсафий меросларни ўрганиш, тадқиқ этишга тўсқинлик, халқимиз онгидан батамом ўчиришга уриниш туфайли), келгуси авлод шу даражада ўзлигини танимайдиган аҳволга келади. Дунёни ўзининг теран тафаккури, мислсиз салоҳияти, ўткир зеҳни, илм йўлидаги ибратомуз меҳнаткаш ва заҳматкашлиги (бу жараёнда ҳам танлаган илм йўлига шу қадар берилишида эзгу

ғояси ва эътиқодига, ақл тарозиси ва қалб амрига нисбатан дахлдорлик туйғусининг мавж ургани таъсири) билан лол қолдириб, ҳадислар жамлашни бениҳоя муҳим ва зарурий вазифа деб билиб, топилмас бебаҳо умрини бағишлаган Имом Бухорий мероси мустабид тузум даврида узоқ вақтлар эътибордан четда қолди. Эндиликда Имом Бухорий халқаро илмий - тадқиқот марказида Ҳадис илми мактаби ўз фаолиятини бошлади. Бу ҳаракатлар моҳиятига кўра халқимизнинг маънавий қиёфасини ўстириш йўлидаги ҳодисадир. Бундай юксак илм эътибори ва эҳтиромига амалий туртки берган асос - ботиний куч Юртбошимизнинг миллий маънавий меросни қадрлаб, сақлаб қолишга интилиши ва халқимиз онгу шуурига сингдиришга бўлган дахлдорлик туйғуси эмасми?

Миллий маънавиятнинг “ворисийлиги” [9] ни таъминлашда миллатнинг йўлбошчилари руҳиятидаги уйғунлик, баркамоллик, Ватан, халқ олдидаги масъулият ва дахлдорлик ҳисси қай даражада эканлиги ҳам кўп нарсани белгилайди. “...Бошқарув ўз моҳиятига кўра, амалдорлардан ҳаловати ва тинчлигидан маълум муддат маҳрум бўлишни, зўравонликдан жабр кўрганлар ҳуқуқларини тиклаш, айбдорларни жазолашни тақозо қилади, ...одил ҳукмдорнинг асосий вазифаси - юқори ва қуйи табақа вакиллари ўртасида адолатни, кучли ва ожизлар орасида тенгликни барқарор этишдир”. Бу фикрлари билан Беруний тенглик ҳукмронлик қилган жойда қайғу-алам ва очофотлик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади, деган хулосага келди. Шунингдек, миллий маънавиятнинг келажак авлодларга тўлақонли, мукаммал етказилиши учун бош омил миллатнинг маънавий, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигидир. Мустақил тараққиёт учун эса, аввало, миллат, қолаверса ҳар бир шахс миллий ўзлигини англаб етиши, бу жараёнда эса муайян системага солинган изчил ҳаракатлар стратегияси концепциясининг жамият ҳаётига тадбиқ этилиши муҳимдир. “...Ўз(миллий ўзлик)ни англаш ҳам бир кечада таъсири сезиладиган туйғу эмас. Бу худди бадан ўсиб-улғайиб, бўй чўзилгани каби аста ва давомли рўй берадиган жараёндир. Шунга ўхшаб нафс тарбияси ва уни поклаш йўлида битта тоатнинг таъсири дарҳол сезилмайди. Лекин тоатнинг озига беписанд қарамаслик керак. Негаки, таъсири яққол сезиладиган кўп тоат битта-биттадан йиғилган ва ҳар бир тоатга ўзига хос таъсир яширинган” [10]. Шу ўринда ҳар битта тоатнинг ўрни, – деган қисмга урғу берсак. Яъни, бевосита ва билвосита таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай омил, восита ҳамда таълим-тарбиявий элементларнинг ҳар бирига миллий ўзликни англаш борасида беписанд қарамаслик даркор.

МУҲОКАМА

Дахлдорлик туйғусини шакллантириш ва уни жамият тараққиётига йўналтириш миллатнинг ўзлигини тўла англаш жараёни билан боғлиқ. Негаки, миллат ўзлигини тўла англамас экан, бирон-бир буюк ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Миллий ўз-ўзини англаш у ёки бу миллатни ўзга миллатлардан ажралиб кетишига эмас, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларининг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилади. Миллий ўзликни англашда ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик ҳамда миллий маънавий қиёфа жамиятнинг руҳи, кайфияти, ҳиссий кечинмаларига бевосита дахлдор эканлигини таъкидлаш лозимдир.

Миллат ўзлигини англаб етган тақдирда, тарих саҳнасидан муқим жой олади, абадиятга дахлдор муваффақиятларга эришиб, бой маданиятини шакллантиради (Масалан: Дунё тамаддуни тарихида камёб феноменологик маданиятга эга бўлган Хитой Даоцизм ва Конфуцизм таълимотларининг ғоялари асосида дунёқарашини ривожлантириб, ўзлигини англаб, бугун тараққий этган “супер” постиндустриал забардаст давлатларни ҳам ўз салоҳияти ва қудрати билан ҳисоблашишга мажбур этмоқда).

Ҳар бир инсонда миллати, халқи, Ватани, имони, эътиқодига нисбатан дахлдорлик туйғуси бўлиши учун, аввало, ўша инсонда миллий ўзлик бўлиши лозим. Миллий ўзлик бўлган тақдирда жамият ҳаётидаги фикрлар, ғоялар, қарашлар ва назарияларнинг инсонпарварлик жиҳатлари ортиб бораверади. Бунда ўзликни англашнинг илк куртаклари қандай дунёга келади? Аввало, маълум бир инсон тафаккурида муайян фикр туғилади, фикр кенгайиб, чуқурлашиб, илдиз отади. Натижада у энди оддий фикр эмас. Ўзининг таъсир доирасига эга, ижтимоий онг ва ижтимоий муҳитга кириб борувчи тўлқинлари мавжуд, ғоявий-мафкуравий концептуал асос бўлади. Сўнг ижтимоийлашган фикрнинг бу даражаси жамиятни бирлаштиради. Жамиятни бирлаштиришга қодир бўлган бундай концептуал асос “қудратли ғоя” дир. Энди эса бирлашган куч билан якдил, ягона мақсад сари ҳаракат қилувчи, ўз мафкурасини амалга оширишга киришган миллат, халқнинг тараққиёт сари одимлаши интенсив тус олади. Негаки, номидан билишимиз мумкинки, у бирлашган куч, яъни аъзоларининг ҳар бири, хаттоки, ҳар бир индивид, ёинки, ҳар бир алоҳида олинган турли даражадаги элементар қобилият ва истеъдод эгаси бўлган вакили ҳам модомики, ўша бирлашган кучга тааллуқли, ўз миллат ва халқининг ривожланиши учун иштирок этмоқда экан, демак, у бевосита дахлдорлик туйғуси билан қуролланган, маънавий қиёфага эга бўлган шахсдир. Билмоқ керакки, жаҳон тарихида бирор-бир цивилизацион чўққига кўтарилган таълимотлар (ҳоҳ Будда, Брахманизм, ҳоҳ Конфуцийлик, ҳоҳ Зардўштийлик, ҳоҳ Ислом, ҳоҳ Синтоизм, ҳоҳ Юнон фалсафий мактаблари, Рим мафкураси)

бўладими, ёки сиёсий мазмун-моҳиятга эга бўлган ҳаракатлар (Македониялик Александр, Юлий Цезар, Чингизхон, Амир Темур, Наполеон Бонапарт) бўладими, барчасининг улкан мавқега эришувида ўзларининг мақсад ва мафкураларига нисбатан дахлдорлик туйғуси муҳим роль ўйнаган. Агар уларни режалаштирган ва амалга оширган улкан фаолиятларига нисбатан “албатта, ушбу мақсад менинг ҳаётим мазмуни, мен уни рўёбга чиқаришим шарт”, - деган қатъий дахлдорлик кечинмалари чулғаб олмаганда, эҳтимол бу қадар юқори поғонага кўтарила олмасди. Шу нуқтада баъзан нотўғри қараш, гипотеза, назариялар (Нацизм, Фашизм, Расизм, Шовинизм, Миссионерлик, Прозелитизм, Экстремизм, Фундаментализм)га эргашиб, оқибатда ижтимоий тузумнинг таназзулига олиб келган дахлдорлик туйғусининг салбий кўринишларини ҳам кузатиш мумкин. Дахлдорлик туйғусининг салбий кўринишлари билан унинг, яъни дахлдорлик туйғусининг сустлиги ўртасидаги тафовутни фарқлаш лозим.

Қачонки, бошқарув тизимидаги муҳит (бепарволик, ўзибўларчилик, бошбошдоқлик қабилида иш тутиб) маънавий таназзулга юз тутса ахлоқий замин ночор бўлса ёки унга дарз етса, инсоннинг амалий хатти ҳаракатлари тубанлашиб боради ҳамда дахлдорлик туйғуси сусаяди.

Заҳматкаш, меҳнаткаш, ҳокисор халқимиз ҳаёт учун базўр курашаётган бир даврда бошлиқ ва раҳбарлар кибру нафсга берилиб тубанлашган эди. Пётр I черков қўнғироқларини эритиб, тўп – замбарак қуяётган бир вақтда, эсланг – бизда хонлар нима билан машғул эдилар? ...хотин устига хотин олаётган эди [11]. Чунки уларда дахлдорлик туйғуси, маънавий қиёфасини белгиловчилик моҳият ва мазмун касб этмаган, маънавият билан суғорилмаган.

Дахлдорлик туйғуси маънавият билан уйғунлашар экан, улар ҳамкорликда ахлоқий замин устига қурилади.

“Инсон зуволаси шайтоний, ҳайвоний ва малоконий хислатлардан иборат қорилган хамирдан узилгандир” [12]. Шу боис у хато қилишга ва яхшиликлардан чекинишга мойил бўлади.

Инсон, Яратган инъом этган ҳаётини (“Бешикдан то қабргача илм изла” (Ҳадис), “Ёмон ишлардан ўзини эҳтиёт қилиб юрганларнигина билимдон дейиш мумкин” (Форобий), ақл инсонга берилган энг буюк неъматлардан бири, у тўғри билан хатони англатиш, ажрата олиш учун берилган, дунё ва охират саодатига эришиш учун энг аввал ақлни ишлатиш лозимлигини идрок этиб) эзгу асос устига қуриб, маърифат зиёсида тоблаб, маънавий қиёфа жиҳатидан поклаган қайда-ю, бу умрни беҳуда исроф ботқоғига ғарқ этган қайда.

Ахлоқий меъёрларга йўғрилган ҳаёт кун келиб, албатта, ҳайру баракасини (ворисийлик - солиҳ фарзандлар тимсолида, Акмешахс мақомида, бахтли ва маънили ҳаёт кўламида), ўз мевасини бергани сингари, ахлоқий - маънавий

меъёрларга зид равишда ташкил этилиб (қарама - қаршиликлар диалектикаси), пасткашлик ва тубанлик қаърига шўнғиган мазмунсиз, мақсадсиз, мантиқсиз (“Биздан кейин дунёни сув босмайдими” (Людовик 16), “Саройни олди - Регистон тинч бўлса бас” (Абулфайзхон) қабилида лоқайдлик, бефарқлик, ўзибўларчилик, бошбошдоқлик, тарқоқ) фаолият - дахлдорлик туйғуси бўлмаган ёки суст бўлган қиёфа оқибат - охир умр довонида надоматга юз тутади. (бу ўринда Абдулла Ориповнинг Жаннатга йўл достонини мисол тариқасида айтиб ўтиш мумкин).

Тарих мураббийлигидан, унинг сабоқларидан, воқеалар ҳаракати ва ҳақиқатидан ибратли хулоса чиқаришнинг ўзи бир мактабдир. Эсланг, сиёсий бошқарувида дахлдорлик туйғуси акс этмаган раҳбарлар оқибатини - Хонлар, Амирлар, бирлашмаган беклар ва ноиблар – уларнинг қай бири хайрли интиҳо топди. Бунга сабаб уларда Яратганнинг инсон табиати, имони, эътиқоди ва маънавий қиёфасига ўз иноятини билан эҳсон, туҳфа этиб берган дахлдорлик туйғусини англаб етмаганлигидир. Улар чор Россияси истилоси даврида боши берк кўча гирдобида надоматда қолдилар. Султон Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ва Жалолиддин Мангуберди сиёсий – ҳарбий қўшин имкониятларида жуда катта тафовут бўлсада, Хоразмшоҳ ўз вақтида стратегик ҳаракатларни амалга оширмади. Мангуберди эса деярли бутунлай мустақиллик бой берилган ҳолатда ҳам “Юрт учун югуриб ишла” - нақлига ҳаётининг сўнгги онига қадар амал қилиб курашди.

Бу ўринда мавжуд имкониятдан фойдалана олмаслик омили бу дахлдорлик туйғусининг сустлигидан, йўқ имкониятдан тадбир топа билиш эса шахс маънавий қиёфасида дахлдорлик туйғуси ривожланганлигини акс эттиратади. Мардонавор жасорат кўрсатиб, улкан империя ҳеч нарса қила олмаган шароитда, бутун бошли армия ва замонасининг биринчи рақамли хонини тасанно айтишга, ўзида шу сингари фарзанд бўлмаганидан алам ва ҳасратда қон ютишга, иложи йўғу бироқ тўрттала ўғилларига ҳам алмаштиришга тайёр бўлишгача олиб келган ҳақиқат - Жалолиддин Мангуберди вужудида жўш урган шижоат, юрт озодлиги, мамлакат мустақиллигини ва боболаридан қолган салтанатни сақлаб қолишга интилиш, ватани, халқи тақдири, аждодлар мероси ва авлодлар келажаги учун қайғуриш ундаги дахлдорлик туйғусининг юксак намунасидир.

ХУЛОСА

Аён бўладики, дахлдорлик туйғусининг мавжуд бўлиши ижтимоий-сиёсий муҳитдаги мувофиқ ёки номувофиқликка қарамасдан шахс маънавий-руҳий қиёфасини белгиловчи мазмун - моҳиятга эга ўлчовдир**.**

Дахлдорлик туйғуси ва шахс маънавий қиёфаси айнан бир тушунча бўлмай, уларнинг фарқли жиҳатлари мавжуд, бироқ бир ҳақиқатни тан олишимиз кераккки, улар том маънода бир-бирига таъсир ва акс таъсирда, ўзаро изчил, узвий, чамабарчас, давомли боғлиқлик ва алоқадорликдаги муносабатда (детерменизм), ҳаракатда, ўзгаришда, такомиллашувда, ривожланишда бир-бирини тўлдиради ҳамда бир-бирисиз мавжуд бўла олмайдиган, бир-бирини тақозо этадиган, шахс маънавий камолотида бир-бирини шарт этадиган фалсафий жараёндир.

Шахс маънавий қиёфаси ва унда дахлдорлик туйғусининг мавжудлик даражалари амалий хатти-ҳаракатларда намоён бўлади (Суқрот, Ибн Сино, Жардано Бруно, Нильс Бор, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Шароф Рашидов ва бошқалар)**.** Ўз навбатида дахлдорлик туйғусининг кўриниши ёрдамида маънавий қиёфа қай даражада эканлигини белгилаш мумкин. Яъни маънавий қиёфа дахлдорлик туйғусининг, дахлдорлик туйғуси эса маънавий қиёфани тамсил этувчи маёқдир. Демак, дахлдорлик туйғусининг замон ва макондан ташқарига чиқишида, мислсиз кўламга етишида маънавий камолот ва маънавий қиёфанинг ўрнини, маънавий камолот ва маънавий қиёфанинг тараққий этишида эса дахлдорлик туйғусининг ролини англаш лозим, деган хулосага келамиз. Фикримиз исботи сифатида Ойбекнинг Навоий романидаги Алишер Навоийнинг Мўмин Мирзо тимсолида идеал давлат, идеал жамият, шунингдек, идеал мамлакат раҳбарининг маънавий қиёфасини орзу қилиш ва тарбиялаш орқали ўзининг ватан, халқ тақдири, унинг истиқболи, толеъи йўлида, бахтли, ёркин келажакка ишониб, умид қилиб, гўёки бизнинг нурафшон ва обод ҳаётимизни неча – неча авлодлар ва замонлар аввал донишмандларча фалсафий дунёқарашга асосланиб, фалсафий мушоҳада юритиб, дедуктив, индуктив, аналогик таҳлил қилиб, умумлаштириб, тафаккур хулосаларини фалсафий тил орқали асослаб бера олиши билан фалсафанинг барча замонлар учун, шу жумладан, ҳозирги ва келажак даврлар учун ҳам нисбатан мураккаб ва оғриқли, бироқ глобал аҳамиятга молик ижтимоий прогнозлаш табиатини кўрсатиб берган. Бу жиҳат Алишер Навоийнинг маънавий қиёфаси унинг дахлдорлик туйғусига ҳамоҳанг эканлигидан, дахлдорлик туйғуси эса маънавий қиёфасини белгиловчи мазмун-моҳият касб этганлигидан нишон.

Шундай экан, дахлдорлик туйғусининг шахс маънавий қиёфасини белгиловчилик мазмуни ва моҳияти, инсон ботиний оламининг инъикоси бўлган маънавий фазилатлар рўёби сифатида унинг аҳлоқий жиҳатдан тараққий этган

суврати ва сийратини чизиб беради. Дахлдорлик туйғусининг юксак маънавий қиёфа негизида такомиллашуви шахс фаолияти кейинги босқичларида - унинг борлиққа, инсон, табиат ва жамиятга бўлган инсоний муносабатлари кўламида ўз амалий ифодасини топади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. И.Эргашев таҳрири остида., 2005.
2. Луқмони Ҳакимдан ўғлига 365 ўгит., 2016.
3. Имом Термизийдан қирқ ҳадис.(нашрга тайёрловчи Аллоқулов Абдулатиф), 2018.
4. Имом Бухорий. Ал Жомеъ ас Саҳиҳ. – Т., “Мовараунаҳр”. 1-жилд. Илм китоби боби. 1992.
5. Қуръони карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур)., 1992.
6. Бехбудий М. Баёни ҳақиқат // Улуғ Туркистон. – 1917.
7. Ўролов А, Сувонқулов И. Алломалар олами. – 1991.
8. Низомцддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан Юнусхон Ҳакимжонов ва Асомиддин Ўринбоев таржимаси., 1996.
9. Очилова Б. Миллий – маънавий юксалишда мерос, қадриятлар ва ворисийлик., 2009.
10. Абу Ҳомид Ғаззолий. Иҳйоу улумид дин., 2019.
11. Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён. – Т., “Ғофур.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1994.
12. Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. – Т.: 1964.
13. Ю.А. Харин, В.Ф. Берков, П.А. Водопьянов и др.. Философия: учеб. для студентов учреждений, обеспечивающих получение высшего образования. 8-е изд.- Мн.: “ТетраСистемс”, 2006. – С. 9
14. Томас Кун. Структура научных революций (The Structure of Scientific Revolutions). – М.: “Прогресс”, 1977. – С. 69.
15. Хакен Герман. Синергетика. Иерархии неустойчивостей в самоорганизующихся системах и устройствах. - М.: Мир, 1985. – С. 19.
16. Федосин Сергей. Основы синкретики. Философия носителей, М: “Эдиториал УРСС”, 2003. – С. 100.
17. Vermeulen T., Van Den Akker. Notes on Metamodernism //Journal of Aesthetics & Culture. 2010. Vol. 2. - P. 1–14 (рус. пер.: Вермюлен Т., ван ден Аккер Р. Заметки о метамодернизме // Metamodern.

REFERENCES

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. И.Эргашев таҳрири остида., 2005.
2. Луқмони Ҳакимдан ўғлига 365 ўгит., 2016.
3. Имом Термизийдан қирқ ҳадис.(нашрга тайёрловчи Аллоқулов Абдулатиф), 2018.
4. Имом Бухорий. Ал Жомеъ ас Саҳиҳ. – Т., “Мовараунаҳр”. 1-жилд. Илм китоби боби. 1992.
5. Қуръони карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур)., 1992.
6. Бехбудий М. Баёни ҳақиқат // Улуғ Туркистон. – 1917.
7. Ўролов А, Сувонқулов И. Алломалар олами. – 1991.
8. Низомцддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан Юнусхон Ҳакимжонов ва Асомиддин Ўринбоев таржимаси., 1996.
9. Очилова Б. Миллий – маънавий юксалишда мерос, қадриятлар ва ворисийлик., 2009.
10. Абу Ҳомид Ғаззолий. Иҳйоу улумид дин., 2019.
11. Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён. – Т., “Ғофур.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1994.
12. Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. – Т.: 1964.
13. Ю.А. Харин, В.Ф. Берков, П.А. Водопьянов и др.. Философия: учеб. для студентов учреждений, обеспечивающих получение высшего образования. 8-е изд.- Мн.: “ТетраСистемс”, 2006. – С. 9
14. Томас Кун. Структура научных революций (The Structure of Scientific Revolutions). – М.: “Прогресс”, 1977. – С. 69.
15. Хакен Герман. Синергетика. Иерархии неустойчивостей в самоорганизующихся системах и устройствах. - М.: Мир, 1985. – С. 19.
16. Федосин Сергей. Основы синкретики. Философия носителей, М: “Эдиториал УРСС”, 2003. – С. 100.
17. Vermeulen T., Van Den Akker. Notes on Metamodernism //Journal of Aesthetics & Culture. 2010. Vol. 2. - P. 1–14 (рус. пер.: Вермюлен Т., ван ден Аккер Р. Заметки о метамодернизме // Metamodern.